Нефт махсулотларини етказиб бериш хакидаги

# Ш А Р Т Н О М А   № 7

2022 йил  " 24 " Январ                                                                 Учўргон шахри

"Туракўргон нефт базаси" масъулияти чекланган жамиятининг Учкўргон филиали Низом асосида фаолият юритувчи директор М.Мирахмедов (кейинги ўринларда "Етказиб берувчи" деб аталади) бир томондан хамда "Норин туман ирригация бўлими" номидан Низом асосида фаолият юритувчи рахбари Ж.Аскаров (кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб аталади) иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар тўгрисида туздилар:

## 1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. "Етказиб берувчи", "Истеъмолчи"га нефт махсулотларини "Истеъмолчи"нинг талабномада кўрсатилган эхтиёжларига асосан тузилган ва куйида келдтирилган жадвалга биноан етказиб беришни зиммасига олади.

| Нефт махсулотларининг тури | Йиллик микдор (тонна) | 1 тонна нархи (сўмда) | Тахминий умумий суммаси | Шу жумладан чораклар бўйича | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | I-чорак | | II –чорак | | III –чорак | | IV-чорак | |
| | | | | тн | Тахминий сумма | тн | Тахминий сумма | тн | Тахминий сумма | тн | Тахминий сумма |
| Автобензин АИ-80 | | | | | | | | | | | |
| Дизель ёнилгиси | 1 Т | **11400,000** | **11400,000** | 1,т | 11400,000 | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | |
| ЖАМИ: | 1 т | 11400,000 | **11400,000** | 1,т | 11400,000 | | | | | | |

1.2. "Истеъмолчи" махсулот учун тўловни ва махсулотни кабул килиб олишни томонларнинг ўзаро келишувига асосан белгиланган муддатда ва хажмда амалга оширишни ўз зиммаларига олади.

Шартноманинг тахминий умумий суммаси   Ун бир миллион турт юз   сўмни ташкил килади.

## 2МАХСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ.

2.1 Нефт махсулотлари «Истеъмолчи»га ўз автотранспортида, махсус автотранспортида (талаби билан), белгиланган тартибда етказиб берилади. «Истеъмолчи» нефть махсулотларини ўз тасарруфидаги транспорт воситаси билан олиб кетишда, нефть махсулотларини ташишда куйиладиган ёнгин хавфсизлиги ва техника хавфсизлик талабларига риоя килишни хамда «Етказиб берувчи» га нефть махсулотларини ташиш бўйича молиявий эътирози йўклигини ўз зиммасига олади. Ушбу талаблар бажарилмаган холатда автоцистерналарга махсулот куйишга рухсат берилмайди.

2.2 "Истеъмолчи"да нефт махсулотларини саклаш учун идоравий нефт омбори хамда нефт махсулотларини ташиш учун махсус автотранспорт воситаси мавжуд бўлса, бундай истеъмолчиларга нефт махсулотлари уларнинг автотранспортига юклаб юбориш оркали етказиб берилиши мумкин. Бундай холларда махсулотни топшириш ва кабул килиш "Махсулот етказиб берувчи"нинг нефт омборида амалга оширилади. Махсулот "Етказиб берувчи"нинг омборидан "Истеъмолчи"нинг вакили томонидан транспорт воситасида олиб кетилганда товар-транспорт хужжатлари расмийлаштирилган сана "Етказиб берувчи" томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана хисобланади. "Истеъмолчи"нинг махсус автотранспорт воситасида нефт махсулотларини ташиш "Хавфли юкларни ташиш коидалари"га мувофик амалга оширилиши шарт. Акс холда транспорт воситаси "Етказиб берувчи"нинг нефт омборига киритилмайди.

2.3 Нефт махсулотлари "Истеъмолчи"га "Етказиб берувчи"нинг махсус транспорт воситасида етказиб берилса, махсулотни топшириш ва кабул килиш "Истеъмолчи"нинг нефт омборида амалга оширилади. Махсулот "Истеъмолчи"нинг омборида "Истеъмолчи"нинг вакили томонидан махсулотни

«Истеъмолчи» транзит оркали махсулотларни кабул килишда амалдаги миқдор ва сифат йўриқномаларига (П-6, П-7) асосан иш юритади.

4.2. Эгалик ҳуқуқи, тасодифий нобуд бўлиши, махсулотга зиён етиш хавфи «Етказиб берувчи» ...хонаси худудидан чиккан вактдан бошлаб «Истеъмолчи» га ўтади.

4.3. Нефт махсулотларини миқдор ва сифати бўйича "Истеъмолчи" ,"Ишлаб чикариш техника ва халк истеъмоли молларини миқдори ва сифат жихатдан кабул килиб олиш тартиби тўғрисида"ги йўриқномага хамда бошқа меъёрий хужжатларга амал килинади.

## 5. МАХСУЛОТ СИФАТИ

5.1. "Истеъмолчи" нефт махсулотларини олаётган вактда жойида махсулотнинг сифати ва ...ларини текшириб олади.

5.10. Етказиб бериладиган махсулот сифати Давлат стандартлари ва техник шартларга мос ...лиши хамда бу махсулот ортиш ва кузатувчи хужжатларда кайд этилиши лозим.

5.11. Нефт махсулотларини олган истеъмолчи уларнинг сифатини шунингдек сифат паспортини талаб килиш хукукига эга.

## 6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Шартноманинг хар бир бажарилмаган бандлари учун томонлар моддий жавобгардир.

6.2. «Етказиб берувчи» «Истеъмолчи» га сифати Давлат стандарт ва техник шартларга жавоб ...ган нефтмахсулотларини етказиб беришни кафолатлайди. Хар икки томон нефтмахсулотларини ...зиб бериш ва кабул килишда амалдаги 1510 ва 2517 Давлат стандарти талаблари асосида иш ...ритади. Нефть махсулотларини хисоб — китоби ва таркатилиши амалдаги конун ва меъёрлар асосида ...ширилади.

6.3. Агар етказиб берилган нефт махсулотларининг сифати, ассортименти, навлари стандарт ...техник шартлар талабларига, намуналарга(эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга ...жавоб бермаган такдирда,"Етказиб берувчи" сифати зарур даражада бўлмаган нефт махсулотлари ...кийматининг 5 фоиз миқдорда жарима тўлайди.

6.4 Нефть махсулотларинииетказиб бериш кечиктирилган ёки тўлик етказиб берилмаган такдирда «Етказиб берувчи» «Истеъмолчи» га кечиктирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган ...кисмининг 0.5 фоиз миқдорда пеня тўлайди , бирок бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган нефт махсулотлари кийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

6.5 «Истеъмолчи» нефть махсулотларини саклашнинг техникавий шарт- шароитлари ва хавфсизлиги учун амалдаги конунларда назарда тутилган тартибда жавоб беради.

6.6. «Истеъмолчи» томонидан унинг худудига олиб келинган нефть махсулотларининг кабул ...ишида амалдаги ёнгин ва техник хавфсизлиги талаб ва меъёрлари тўлик амал килинишини ...таъминланади. 6

...7 «Истеъмолчи» белгиланган муддатда олинмаган ва етказиб берилган нефть махсулотларини ...ишдан сабабсиз бош тортганлиги учун «Етказиб берувчи»га олинмаган махсулот умумий ...кийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди ва Етказиб берувчи олинмаган махсулот учун ...махсулотнинг тўлик кийматини ундириш хуқуқига эга.

6.8 Етказиб берилган нефт махсулотлари учун ўз вактида ҳак тўламаганда "Истеъмолчи" «Етказиб берувчи» кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0.4 фоизи пеня ...тўлайди,бирок бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

6.9. Ушбу шартнома бирон бир шартнинг бажарилмаганлиги учун жавобгарлик белгиланмаган ...холда мазкур бажарилмаган шартлар учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси фукаролик ...кодекси ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида»ги ...конунига биноан кўлланилади.

## 7. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАР

7.1. Хар икки томон хам куйидаги холатларда мажбуриятларни бажарилмаганликда жавобгарликка ...тортилмайдилар:

...агарда табиий офат, сувтошкини, ёнгин, зилзила ва бошкалар окибатида юз берса,

...нефтни кайта ишлаш заводлари, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАЖК айби билан, шунингдек ...юкори ташкилотлар томонидан етказиб бериш хажми ва муддати ўзгартирилганда, шунингдек ...АЁҚШ лар ва нефт база фаолияти текширувчи органлар томонидан вактинчалик тўхтатиб кўйилганда, ...Ўзбекистон Республикаси хукумати, Вазирлар Махкамаси ва бошка конунни белгиловчи ташкилотлар ...қарорлари асосан нефть махсулотларини етказиб бериш ва таъминлаш механизми ва тартибига ...ўзгартиришлар киритилган холларда.

## 8. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

...килинганлиги тўғрисида товар-транспорт накладнойга имзо қўйилган сана "Етказиб берувчи" ...нидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана хисобланади. Махсулотни топширишни ва ...тказишни бевосита "Истеъмолчи" вакилининг хохишига кўра "Етказиб берувчи"нинг нефт омборида ...амалга оширилиши мумкин.

1.4. Нефт махсулотлари "Етказиб берувчи"га тегишли бўлган ёнилғи тарқатиш шахобчаси ...қали етказиб берилса, бунинг учун "Истеъмолчи"нинг ишончномасига мувофиқ махсулотни ёқилғи ...қатиш шахобчасидан олиш тўғрисида рухсатнома расмийлаштирилади. Мазкур рухсатнома ...ёқилғи шахобчасидан олиш ...тўғрисида ..."Истеъмолчи"нинг вакили томонидан ёнилғи тарқатиш шахобчасига тақдим қилинади. Шахобча операторы ўз навбатида тарқатиш варақаси юритади. "Истеъмолчи" вакилига берилган махсулот миқдори тарқатиш варақасига киритиб борилади. Тарқатиш варақасида "Истеъмолчи"нинг вакилининг махсулотни миқдоран тўлиқ олганлиги тўғрисида имзо қўйилган сана, «Етказиб берувчи» томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана хисобланади.

1.5. Махсулот «Истеъмолчи»нинг манзилига транзит тартибда темир йўл транспортида ...етказиб берилганда, темир йўл накладнойига юкни ташишга кабул қилинганлиги тўғрисида қўйилган ...ги сана «Етказиб берувчи» томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ...хисобланади. Бундай холатларда махсулотни кабул қилиш амалдаги "Нефт, газ конденсати ва нефт махсулотларини кабул қилиш, сақлаш, ташиш ва хисобини юритиш бўйича қўлланма"га мувофиқ амалга оширилади.

1.6. Махсулотга эгалик хуқуқи, тасодифий нобуд бўлиши, махсулотга зиён етиш хавфи «Етказиб берувчи» шартнома мажбариятини бажарган санадан эътиборан «Истеъмолчи» га ўтади.

1.7. Нефт база омборига махсулот қуйиш учун олиб келинган автомобил цистерналари 1510-84 Давлат стандарти талабига жавоб бермаган тақдирда автоцистерналар махсулот қуйишга киритилмайди. Мазкур транспорт воситаларининг бўш кетиши учун жавобгарлик "Истеъмолчи" зиммасига, махсулот махсус автотранспортида ташиладиган бўлса, транспорт ташкилоти зиммасига тушади.

1.8. Нефт махсулотлари қўйилган автоцистерналар (Истеъмолчи"нинг автотранспортида олиб кетиш холатлари бундан мустасно) нефт база ёки унинг бўлинмалари томонидан амалдаги меъёрий ...ҳуқуқий ҳужжатларга (2417-85 давлат стандартига) мос тарзда тамғаланади. Тамғалаш ..."Истеъмолчи"нинг талабига биноан амалга оширилади.

1.9. "Етказиб берувчи" нефт махсулотлари таъминотининг узилишлари нефтни қайта ишлаш ...заводларидан етказиб берилмаслиги ёки темир йўл айби билан ўз вақтида етказиб бермаганлиги учун ...жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

## 3. ХИСОБ – КИТОБ ТАРТИБИ ВА НАРХЛАРИ

3.1.Ушбу шартнома ўзаро хисоб–китоблар учун асос хисобланади. Ҳисоб–китоблар тўлов ...топшириқнома асосида амалга оширилади.

3.2. "Истеъмолчи" олаётган нефт махсулотлари партияси учун хақини олдиндан камида 5 кун ...олдин 100% миқдорида «Етказиб берувчи»нинг хисоб-рақамига хак тўлайди.

3.3. «Етказиб берувчи» нефт махсулотларини "Истеъмолчи"га ўтган чоракдаги биржа ...савдолари натижаларига кўра шаклланган ўртача биржа нархларидан келиб чиқиб, «Етказиб берувчи» ...нинг сотиб олиш ва транспортировка харажатлари хамда устамасини қўшиб шаклланадиган нархларда сотади.

3.4. Шартнома суммаси нефть махсулотларини "Етказиб берувчи" таъмонидан биржа ...савдолари орқали сотиб олиш нархлари, нефть махсулотини ташиш билан боғлиқ темир йўл ...тарифлари Ўзбекистон Республикаси Хукумати ва Молия Вазирлиги карорларига асосан ...ўзгартирилганда ёки нефть махсулотлари таъминоти корхоналарининг устама нархлари ўзгарганда, ёхуд ...бошқа объектив сабабларга кўра ўзгарганда шартноманинг умумий қиймати ўзгаради ушбу ...шартнома бўйича етказиб бериладиган нефт махсулотларига нисбатан янги нархлар қўлланади ва бу ...ҳақда шартномага ўзгариш киритиш учун қўшимча келишув битими тузилади.

## 4. НЕФТЬ МАХСУЛОТЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

4.1. Нефть махсулотларининг миқдори ва сифати бўйича кабул қилиб олиш қуйидагича амалга оширилади:

а) «Етказиб берувчи» нефт базасидан «Истеъмолчи» вакилининг нефть махсулотини олиб ...чиқишни кабул қилиш хужжатларини ўрнатилган тартибда расмийлаштириш орқали;

## 9. НИЗОЛАРНИ КУРИБ ЧИКИШ ВА ШАРТНОМАНИНГ АМАЛДА БЎЛИШИНИ ТЎХТАТИШ ТАРТИБИ

9.1. Мазкур шартнома киритилган хар кандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда бўлиб, хар иккала томон имзолагандан кейингина хақиқий хисобланади.

9.2. Мазкур шартноманинг бажарилишида юзага келадиган хар кандай тортишув келишмовчиликлар иккала томоннинг ўзаро музокараси йўли билан хал этилади. Иккала томон мустакил хал эта олмайдиган баъзи масалалар белгиланган тартибда иктисодий судда хал этилади.

9.3. Мазкур шартнома 2 нусхада тузилди ва тенг хукукий кучга эга.

9.4. Шартнома томонлар ўртасида имзолангандан сўнг ва агар «Истеъмолчи» бюджет ташкилоти бўлса, бунга қўшимча равишда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг худудий газначилигидан рўйхатдан ўтган кундан кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал килади.

## 10.ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

**«Таъминотчи»**

«Тўрақўрғон нефт базаси» МЧЖ

Х/р: 22604000204267762705

МФО: 00432 ИНН:204585174

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ

Тошкент ш. Яшнобод филиали

Октош ш. Бобур кўча 2-уй

тел: 444-12-11

**«Истеъмолчи»**

**Норин туман ирригация булими**

Норин туман Шурокишлоги

Х/р 400122860142167042402170001 _инн 207263708 Марказий Банк мфо 00014 Норин туман газначилик булимии х/р 23402000300100001010 инн 201122919

Рахбар: Ж. Аскаров

Директор : ________ М Мирахмедов

**Бош хисобчи :** ________ **Ё Юсупов**

**ЁММ мухандиси :** ________ **А Эргашев**

**Хукукий хулоса:** Мазкур шартнома шартлари Узбекистон Республикаси Фукаролик кодексига ва Узбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисидаги Конуни талабларига зид эмас.

**Хукукшунос:** ________ **Х.Мухсиддинов**

Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

# GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"TO`RAQO`RG`ON NEFT BAZASI" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning - tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"TO`RAQO`RG`ON NEFT BAZASI" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

11.07.2013 67 ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil)

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR): 204585174

| | | |
|---|---|---|
| Tashkiliy-huquqiy shakli: | Mas'uliyati cheklangan jamiyat | |
| Joylashgan joyi: | Namangan viloyati, To`raqo`rg`on tumani, Oqtosh, Bobur ko`chasi, 2-uy, | |
| Guvohnoma: | Namangan viloyati, To`raqo`rg`on tumani, YAGONA DARCHA MARKAZI | tomonidan berilgan |
| | (Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi) | |

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

№ PH27083065

1. Loyihaning turi.Shartnoma

2. Loyihaning nomi.
Neft mahsulotlarini yetkazib berish to'g'risida.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot.
Shartnoma loyihasi Norin tuman Irrigatsiya bo'limi tomonidan ishlab chiqilgan va markazga huquqiy ekspertizadan o'tkazish uchun 24.01.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuriskonsulti — Z.Tursunov

2022 yil 24 yanvar